



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 2 ноябрь, № 227 (7457)


Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШХТ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян, Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Дмитрий Медведев, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Аскар Мамин, Қирғизистон Республикаси Бош вазири Муҳаммадқалий Абилгазиев, Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода, Беларусь Республикаси Бош вазири Сергей Румас, Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередовни қабул қилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга расмий ташриф билан, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ўн саккизинчи мажлисида иштирок этиш учун келган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцянни қабул қилди.

лиқни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, иқтисодиёт, инвестициялар ва транспорт коммуникациялари соҳаларида ташкилотга аъзо барча давлатлар учун манфаатли бўлган йirik лойиҳаларни амалга ошириш долзарб экани таъкидланди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Дмитрий Медведев билан учрашувда кўп асрлик дўстлик, ўзаро ишонч, ҳурмат ва қўллаб-қувватлаш аъноналарига асосланган Ўзбекистон — Россия муносабатла-

ларда истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Худудларо ва маданий-гуманитар алмашинувлар, жумладан, фан, таълим ва туризм соҳасидаги шериклик кенгаймоқда.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Томонларнинг БМТ, ШХТ, МДҲ ва бошқа кўп томонлама тузилмалар доирасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилиши таъкидлаб ўтилди.

Булажақ олий даражадаги тadbирларга тайёргарлик кўриш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада чуқурлаштириш борасидаги ўзаро интилиш қатъий экани таъкидланди.

Қозоғистон Республикаси Бош вазири Аскар Мамин билан учрашувда қар-

дан икки томон ҳам манфаатдор экани қайд этилди.

Жорий йил август ойида Беларусга амалга оширилган олий даражадаги расмий ташриф якунида эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни кенг қўлама амалга ошириш муҳим экани таъкидланди.


ШХТга аъзо давлатлар Ҳукуматлар раҳбарлари кенгаши мажлисида меҳмон сифатида иштирок этаётган Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов билан учрашувда олий даражада очик ҳамда ишончга асосланган мулоқот йўлга қўйилгани ва бу Ўзбекистон — Туркменистон стратегик шериклик муносабатларини яна даражага кўтаргани катта мамнуният билан қайд этилди.

Рашид Мередов Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга ҳар доимгидек самимий қабул учун чучур миннатдорлик билдириб, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг саломини ва эзгу тилаklarини етказди.

Учрашувда сиёсий, савдо-иқтисодий, энергетика, транспорт, маданий-гуманитар соҳалар ва бошқа устувор йўналишларда эришилган олий даражадаги келишувларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмида амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Чегарадош худудлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари алоҳида эътибор қаратилди. Минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ШХТга аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгаши мажлисида кузатувчи давлат вакили сифати-



Учрашувда икки давлат раҳбарларининг самарали музокаралари конструктив сиёсий мулоқотни кенгайтириш ва барча соҳаларда кўп қиррали амалий ҳамкорликни ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратгани алоҳида таъкидланди.

Олий даражада эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни сўзсиз амалга ошириш, икки томонлама савдонинг жадал ўсишини таъминлаш, шунингдек, инфратузилмани ривожлантириш, энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ахборот-телекоммуникация технологиялари ва бошқа соҳаларда устувор лойиҳаларни биргаликда илгари сурши зарурлиги қайд этилди.

Маданий-гуманитар йўналишда, аввало, фан, таълим, инновациялар ва туризм йўналишларидаги алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда ШХТ доирасидаги ҳамкор-

ри изчил ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Дмитрий Медведев самимий қабул ҳамда мамлакатларимизнинг кўп қиррали муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлашга қаратаётган эътибори учун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдириб, Россия Президенти Владимир Путиннинг саломини ва эзгу тилаklarини етказди.

Учрашувда таъкидланганидек, аввало, олий даражада йўлга қўйилган фаол муносабатлар ва конструктив мулоқот икки томонлама ҳамкорликни мисли кўрилмаган даражага кўтариш ва уни яна амалий мазмун билан бойитишга хизмат қилиб келмоқда.

Савдо-иқтисодий, инвестициявий ва кооперация алоқалар изчил ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Нефть-газ, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқ-

дош мамлакатларимиз раҳбарларининг мунтазамлиқ касб этган ва ишончга асосланган учрашувлари ҳамда уларнинг натижасида эришилган келишувлар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини, стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Аскар Мамин Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Қозоғистоннинг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев ва Президент Қосим-Жомарт Тоқаевнинг саломини ва эзгу тилаklarини етказди.

Учрашувда конструктив сиёсий мулоқот йўлга қўйилгани, ўзаро савдо ҳажми ортиб, инвестиция, банк-молия, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик кенгайиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистонда ўтаёт-

даги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Савдо-иқтисодий, саноат, транспорт, агросаноат, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги шерикликни, шунингдек, чегарадош ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода билан мулоқотда Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг биргаликдаги сайё-ҳаракатлари билан стратегик шериклик даражасига кўтарилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Қоҳир Расулзода Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президенти Шавкат Мирзиёевга ҳар доимгидек самимий қабул учун чучур миннатдорлик билдириб, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг саломини ва эзгу тилаklarини етказди.

Учрашувда сиёсий, савдо-иқтисодий, энергетика, транспорт, маданий-гуманитар соҳалар ва бошқа устувор йўналишларда эришилган олий даражадаги келишувларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмида амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Чегарадош худудлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари алоҳида эътибор қаратилди. Минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ШХТга аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгаши мажлисида кузатувчи давлат вакили сифати-

самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ҳамда Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедовнинг саломини ва эзгу тилаklarини етказди.

Учрашувда савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун катта салоҳият мавжудлиги қайд этилди.

Худудларо алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинуви кенгайтириш муҳим экани таъкидланди.

Шунингдек, минтақавий аҳамиятга молик масалалар, жумладан, келгусида икки ва кўп томонлама форматда ўтadиган олий даражадаги тadbирларни инobatта олган ҳолда кўриб чиқилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 19 сентябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда маъқулланган

чоғида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилади. Ушбу Қонуннинг амал қилиши крипто-активларга доир операцияларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3-модда. Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

1-боб. Умумий қоидалар

Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади тўловлар ва тўлов тизимлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг амал қилиши тўлов хизматларини етказиб берувчи ва тўлов хизматларидан фойдаланувчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тўловларни амалга ошириш ҳамда тўлов хизматлари кўрсатиш

(Давоми 2, 3, 4-бетларда).

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ ҲУКУМАТЛАРИ ЎРТАСИДА ИККИ ТОМОНЛАМА МУЗОКАРАЛАР

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян бошчилигидаги делегация 1 ноябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида Ли Кэцяннинг расмий кутиб олиш маросими бўлди. Юқори мартабали меҳмонни Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Ташриф доирасида Тошкент шаҳридаги Символиум саройида Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлари делегацияларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири мамлакатларимиз раҳбарларининг яқин, очик ва дўстона муносабатлари давлатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш учун ишончли асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.



ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ ҲУКУМАТЛАРИ ЎРТАСИДА ИККИ ТОМОНЛАМА МУЗОКАРАЛАР

Бугунги кунда икки мамлакат ўртасида иқтисодий, савдо, саннат, таълим, маданият, қишлоқ хўжалиги каби қатор соҳалар бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорлик фаол ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинаётган Хитой инвестициялари нефть, газ, кимё, энергетика, коммуникация тармоқлари, шунингдек, инфратузилмаларни ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Мулоқотда олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувлар ижросини ўз вақтида таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Савдо-иқтисодий, сарможий, молиявий ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги шерикликни янада кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Музокаралар доирасида Ўзбекистон томони хитойлик ҳамкорларни 2020 йил 4 — 6 март кунлари Тошкентда бўлиб ўтадиган халқаро инвестиция форумида иштирок этишга таклиф қилди. Шунингдек, Ўзбекистон — Хитой I худудларо форумини ўтказиш таклифи илгари сурилди.

Учрашув якунида мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

Малоҳат ХУСАНОВА, ЎЗА муҳбири.



АЁЛ СОҒЛОМ БЎЛСА, ЖАМИЯТ БАХТЛИ

Пойтахтимизда аёллар репродуктив соғломлаштириш маркази — "Ayol care" масъулияти чекланган жамияти ўз ишини бошлади.



Тиббиёт

Ушбу марказдаги тиббий жихозлар Германия, Франция, Япония ҳамда Корея Республикасидан келтирилган. Қолаверса, тиббиётнинг мазкур йўналишидаги етуқ мутахассислар ишга жалб этилган бўлиб, уларнинг аксарияти хорижнинг машҳур клиника ва марказларидан малака ошириб қайтган.

Мазкур марказнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбари Шодмонов ва Зироатхон Мирзиёева иштирок этди.

Дарвоқе, марказда аёллар ҳасталигига ташхис қўйиш, уларни даволаш ҳамда мураккаб жароҳлик амалиётлари бажарилади. Шунингдек, масофавий услубда республикамиз бўйича чет эллик мутахассислар жалб этилган ҳолда маслаҳатлар ҳамда маҳорат дарслари олиб борилади. Бунда ижтимоий муҳтож ва оғир шароитдаги хотин-қизларни бепул кўриқдан ўтказиш ва тиббий маслаҳатлар беришга катта эътибор қаратилади.



Динара ЧИРКОВА олган суратлар.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — Буюк Британия:

ШЕРИКЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ҳамда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Ҳужжатга Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги элчиси Тим Торлот имзо қўйди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги муносабатларни белгилайдиган асосий ҳужжат мамлакатимиз ҳамда Европа Иттифоқи ўртасида 1996 йил 21 июнь кунини имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳисобланади. Бироқ Буюк Британия Европа Иттифоқи таркибидан чиққан сўнг ("BREXIT") мазкур ҳужжат Ўзбекистон ва Буюк Британия муносабатларига тааллуқли бўлмайди. Шу муносабат билан Лондон шериклик ва ҳамкорликка оид давлатлараро битим имзоланган ташаббуси билан чқиди.

Буюк Британия элчиси "Дунё" ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюсида мазкур битимни имзолаш Буюк Британия ЕИ таркибидан чиққач, ўзаро муносабатларда ҳуқуқий аниқликни сақлаб қолиш ва икки мамлакат бизнес жамиятлари ўртасидаги узлуксиз ҳамкорликни ривожлантиришга қўлай шароит яратиш учун зарурлигини қайд этди. Ҳужжат лойиҳасида Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида амалда бўлган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг

барча қоидалари сақлаб қолинган ва улар Ўзбекистон — Буюк Британия ҳамкорлигини кенгайтирилган. "Битим томонларнинг ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, интеллектуал мулк ҳимояси, таълим, илм-фан ва технологиялар, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, барқарор ривожланиш, туризм ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлигини қамраб олган", деб таъкидлади Буюк Британия дипломатик миссияси раҳбари.

Битимга биноан, томонлар ҳамкорлигининг барча жабҳаси, шунингдек, ўзаро манфаатли халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан мунтазам сиёсий мулоқотда бўлади.

Томонлар бир-бирига импорт товарларига қўлланиладиган божхона йиғимлари, солиқлар ва барча кўри-нишдаги бошқа тўловларга нисбатан энг қўлай тартиб тақдим этади.

Томонлар сарможаларни ҳимоя қилиш, капиталнинг эркин ҳаракати ва инвестиция имкониятлари ҳақидаги ахборот алмашиш мақсадида шароитларни яхшилаш орқали хусусий инвестициялар учун қўлай муҳит яратиш йўлида ҳамкорлик қилади.

«Дунё» АА.

Хориждаги юртдошларимиз учун ҳам овоз бериш имкониятлари кенгайтирилди

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси шу масалага бағишланди. Яъни Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик ваколатхоналари ҳузурида тузилган 53 сайлов участкасини тегишли сайлов округларига бириктириш масаласи муҳокама қилинди.

«Сайлов — 2019»

Сайлов кодексига Ўзбекистон Республикасининг чет давлатларидаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари тузиш ва уларни округга бириктириш Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилиши белгиланган бўлиб, мазкур сайлов участкалари сайловга камида олти кун қолганида, қоида тарихида, сайловчилар сони камида йиғирма нафардан ва кўпи билан уч минг нафардан ош-



маган ҳолда ташкил этилади. Таъкидланганидек, хорижий йилдаги сайловларда хорижда истикомат қилаётган барча ватандошларимиз учун овоз бериш имкониятлари янада кенгайтирилди. Гап шундаки, илгари ушбу сиёсий тадбирда фақат консуллик ваколатхоналаридан расмий рўйхатдан ўтган ўзбекистонлик ўзларининг конституциявий ҳуқуқидан фойдаланган бўлса, эндиликда улар ўша ерда тузилган сайлов участкасига мурожа-

ат этиши ёки Ташқи ишлар вазирлиги расмий веб-саҳифасидан рўйхатдан ўтиб, сайловларда овоз бериш имконига эга бўлиши.

Хориждаги юртдошларимиз сайловга оид маълумотларни МСКнинг Тошкент шаҳридаги +99855502444 рақамли "Ишонч телефони" ёки "Saylov2019" мобил иловаси орқали олишлари мумкин.

Тадбирда Хитой Халқ Республикасида тузилган сайлов участкалари фаолиятини ташкил этиш, ушбу мамлакатдаги фуқароларимизнинг сайловда овоз бериш ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида Ўзбекистоннинг ХХРдаги элчихонаси вакилининг ҳамда Халқаро матбуот марказининг Жиззах ва Навоий вилоятлари бўлимларининг сайлов жараёнига тайёргарлиги ҳақидаги ахборотлари ҳам эшитилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи»).

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИДА НОЁБ ДАСТУР

Бугун Ўзбекистон ҳар соҳада янгиланмоқда. Худди шундай электр энергияси таъминоти соҳасида ҳам. Бунини олис Мўйноқ туманида ҳаётга татбиқ этилаётган кўплаб йирик лойиҳалар мисолида ҳам кўриш мумкин.

СўНГИ ЙИЛЛАРДА Президентимиз томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида Мўйноқ тумани ҳақиқий янгилашлар, ўзгаришларга юз тутди. Бугун худуднинг инвестициявий жозибадорлиги ошди. Асосийси, бундай ўзгаришлар туман аҳолисининг турмуш фаровонлиги юксалишига хизмат қилляпти. Бу, ўз навбатида, электр энергияси таъминоти билан боғлиқ масалаларни янада такомиллаштириш, соҳага янги, замонавий технологияларни жорий қилишни ҳам тақозо этмоқда.

Шу боис "Худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти томонидан жорий йил март ойида Мўйноқ тумани электр таъминоти корхонасининг янги биноси қурилишига киришилган эди. Тез фурсатда ушбу замонавий мажмуа ўз ишини бошлади. — Мўйноқда қисқа муддатларда инновацион технологиялар асосида жиҳозланган, истеъмолчиларга узлуксиз хизмат кўрсатувчи уч қаватли замонавий бино барпо этилиб, яқинда фаолиятини бошлади, — дейди "Худудий электр тармоқлари" АЖ бошқаруви раиси Улуғбек Мустафоев. — Бу ерда барча қулайликка эга 120 ўринли холл ва заллар бор. Қолаверса, рўйхатга олиш ишларини тизимли равишда йўлга қўйиш мақсадида замонавий талабларга тўла жавоб берувчи 6 та монитор ҳамда бепул Wi-Fi худуди ҳам ташкил қилинди. Миҳозлар учун зарур бўлган маълумотлар қўрақалпоқ, ўзбек ва рус тилларида, электрон таблоларда акс этиб туради.

Таъкидлаш керакки, бу ерда энергия таъминотининг автоматлаштирилган бошқарув тизими жорий қилинди. Бу мамлакатимиз электр тармоқлари тизимида ноёб бўлиб, тезкор-диспетчерлик хизмати томонидан амалга оширилади. Бошқача айтганда, ушбу электр таъминоти тизимида корхона тасарруфидаги 5 мингдан зиёд хонадонлар ва 300 га яқин юридик истеъмолчиларга хизмат кўрсатувчи 5 та нимстанция, узунлиги 564 километр бўлган 0,4/10 кВ.ли электр узатиш тармоқлари, янгидан тортилаётган электр симлари, шунингдек, 166 та трансформатор пунктнинг электрон тарздаги схематик жадвали мавжуд бўлиб, уларни назорат қилиш махсус "Радиомера" дастури асосида амалга оширилади.

Қулайлик

Ушбу дастур орқали туман худудидаги барча подстанцияга оид маълумотлар йиғилиб, тезкор-диспетчер хизматида он-лайн режимда етказиб берилди.

"Худудий электр тармоқлари" АЖ маълумотларига қараганда, мазкур дастур орқали 110/10 кВ.ли "Орол" нимстанциясида ўрнатилган вакуумли ўчиргични бошқариш мумкин. Қорақалпоғистон Республикасида биринчи бўлиб жорий қилинган бундай қурилма нимстанцияда юзага келиши мумкин бўлган авария ҳолатларининг олдини олиш, эксплуатация сарф-ҳаражатларини камайтириш имконини беради.

Миҳозларга қулайлик яратиш мақсадида фуқароларни қабул қилиш хонаси фаолияти йўлга қўйилди. Бинонинг учинчи қаватида Оролбўйи худудидан олиб борилаётган ислохотлар билан танишиш учун республикамиз ва хорижий давлатлардан ташриф буюрган сайёҳлар учун хостел жойлашган.

Қисқаси, Мўйноқда ишга туширилган янги электр таъминоти корхонасининг биноси, қолаверса, соҳада олиб борилаётган шу каби сайё-ҳаракатлар маҳаллий аҳолини сифати ҳамда узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш имконини беради.

Раҳим ШЕРКУЛОВ («Халқ сўзи»).

Муносабат

Кучли фуқаролик жамияти сари муҳим қадам

Сўнги йилларда юртимизда изчиллик билан амалга оширилаётган туб ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири давлат ва жамият ўртасида очик мулоқот ташкил этишдан иборатдир. Шу нуқтаи назардан, фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий фаоллигини кучайтириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан саналади.

Куни кеча давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган "Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган давлат сиёсатининг мантикий давоми бўлди.

Мазкур қарор Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтини ривожлантириш маркази эътибор қилиниши назарда тутилган. Бу ҳужжат демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш учун мустаҳкам пойдевор яратди. Маълумки, бугун юртимизда



9 минг 200 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Улар жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, ижтимоий, маданий, маърифий мақсадларга эришишда муҳим роль ўйнаётди. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази соҳада олиб борилаётган ислохотларни комплекс ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш учун

илмий-амалий майдон бўлиб хизмат қилади.

Халқ билан мулоқот ҳолати, давлат органлари фаолияти очиклигини тизимли таҳлил қилиш ҳам марказнинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланди. Ишонамизки, мазкур тузилма чинаямига аҳолининг ижтимоий қайфиятига ижобий таъсир кўрсатувчи кучга айланади.

Қарорда парламент учун яна бир муҳим тавсия берилган. Яъни ушбу марказ томонидан фуқаролик жамияти ривожланиши юзасидан ўтказилган ўрганиш ва таҳлилларнинг натижаларини парламент ҳамда унинг қўмиталари (комиссиялари) мажлисларида кўриб чиқиш амалиётини жорий этиш кўзда тутилган. Бу, ўз ўрнида, самарали парламент назоратини амалга оширишга, давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг ролини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Абдуллажон ҲАМРОҚУЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Сиёсий партиялар ролини оширишга эътибор кучаймоқда

Мамлакатимизда кучли ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш борасида кенг қўламли сайё-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз томонидан қабул қилинган "Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор шу йўналишдаги тизимли ислохотларни янги босқичга кўтаришга қаратилган билан ҳам аҳамиятлидир.

Зеро, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази ташкил этилиши халқ билан тўғридан-тўғри мулоқотни кенгайтириш, фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини ошириш ҳамда мамлакатда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларда уларнинг роли ва иштирокини



кучайтиришга замин яратади. Шу кунларда юртимиз йирик сиёсий воқеалик — парламентнинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови арафасида турибди. Шундай экан, давлат ва

жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади, десак, муволаға эмас.

Мазкур марказнинг олдида қўйилган энг асосий вазифалардан бири ҳам айнан рақобатдош кўппартияли тизимнинг ривожланиш даражасини таҳлил қилиш, сиёсий партиялар томонидан ўз электорати манфаатларини кенгроқ инобатга олиш юзасидан тақдирларини яхшилаб чиқишдан иборатки, бу, албатта, фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш имконини беради.

Иброҳим ҲОЖИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

БАРҚАРОР ТУРИЗМ ОБСЕРВАТОРИЯСИ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ

Яқинда Испания пойтахти Мадрид шаҳрида Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) қошидаги Барқарор туризм обсерваториялари халқаро тармоғининг глобал йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси делегацияси ҳам иштирок этди.

Янгилик

ЮНВТО 1990 йилдан бошлаб барқарор туризм индикаторларидан туризм соҳасини режалаштириш, тартибга солиш ва ривожлантириш жараёнининг муҳим воситаси сифатида фойдаланишни тарғиб қилиб келмоқда.

Барқарор туризм обсерваторияларининг 9 таси Хитойда, 5 таси Индонезияда, 2 таси АҚШда жойлашган. Малайзия, Греция, Мексика, Бразилия, Хорватия, Янги Зеландия, Португалия, Италия, Панама, Испания ва Гватемалада биттадан обсерватория фаолият олиб бормоқда. Ушбу тармок ахборотни мониторинг қилиш, баҳолаш ва бошқариш усулларини мунтазам равишда амалга ошириш орқали барқарор туризм сиёсати, стратегиялари ва режаларини ишлаб чиқади.

Эндиликда Ўзбекистонда ҳам барқарор туризм обсерваторияси ташкил этилади.

«Халқ сўзи».

СПОРТ МУТАСАДДИЛАРИ ТАЊҚИДДАН ҚАНДАЙ ХУЛОСА ЧИҚАРИШДИ?

2019 йил 4 сентябрь куни Президентимиз раҳбарлигида 2020 йилда Япониянинг Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўриш, оммавий спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш бўйича олиб борилган ишлар натижадорлиги ҳамда бу борада амалга ошириладиган долзарб вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор мажлисида турли вазирлик ҳамда идоралар, хусусан, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги олдира ҳам аниқ вазифалар юклатилган эди.

Анжуман

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ўтказилган анжуманда ана шу масалалар ижроси юзасидан амалга ошириладиган ишлар мутасаддилар иштирокида муҳокама қилинди.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбари Токио Олимпиадасига тайёргарликнинг аҳоли қонқарли эмаслиги, қатор спорт федерациялари ва ҳокимликлар юқори натижаларни таъминлайдиган спортчиларга шариот яратишга етарлича эътибор бермаётганини танқид қилган. Миллий Олимпия қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига саралаб олинган спортчиларнинг яқин ойларида ўтказилган халқаро беллашувларда юқори ўринни эгаллаб, тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасига лицензияни қўлга киритишлари учун янада кенг шарт-шариот яратиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Тадбирда видеоселектор мажлисида илгари сурилган вазифалардан келиб чиқиб, вазирлик тизимида болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари фаолиятини танқидий ўрганиб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилгани таъкидланди. Бугунги кунда улар томонидан спорт таълим муассасаларининг фаолияти изчил ўрганилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Спортчиларни ҳар томонлама рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олимпия спорт турлари бўйича республика ва халқаро спорт мусобақаларининг қолиблари (1, 2, 3-ўринлар совриндорлари) бўлган спортчи-ўқувчиларни олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосида имтиёзли равишда имтиҳон синовларисиз қабул қилиш тартиби жорий этилди. Бунда ҳар бир олий таълим муассасасига йиллик қабул квоталаридан ташқари қолиб спортчи учун исталган таълим йўналишига кириш ҳуқуқи билан 15 – 20 тагача имтиёзли ўрин ажратилади.

— Президентимизнинг видеоселектор йиғилишида берган топшириқлари асосида спорт федерациялари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан бирга саралаб олинган 420 нафар спортчининг Олимпиада лицензияларини қўлга киритишлари учун зарур шарт-шариотлар яратилиши қатъий назоратга олинди. — дейди Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Олий спорт ютуқлари бошқармаси бошлиғи Баҳодир Маматназаров. — Федерациялар вакиллари, спортчилар ҳамда уларнинг мураббийлари билан шахсан учрашиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва уларни ҳал этиш чораларини кўриш тизими йўлга қўйилди. Олимпия спорт турлари бўйича айрим федерация ва ассоциациялар фаолияти танқидий кўриб чиқилди. Мазкур Олимпиада бахсларига аввалгиларига қараганда кўпроқ йўлланма қўлга киритилиши мақсад қилинган. Бунинг учун эса имкониятларимиз етарли. Спортчиларимиз хозирча 22 та лицензияга эга бўлишди. Уларнинг 15 таси Олимпия, 7 таси Паралимпия спорт турлари бўйича қўлга киритилди.

Анжуманда Токио Олимпиадасига йўлланма олган спортчиларимиз ҳам сўзга чиқди.

Шаҳзод ҒАҒОҒОВ («Халқ сўзи»)

«ТУРОНБАНК» БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗДИ



Хўш, айна шу йўналишда аҳоли, айниқса, ёшларнинг иқтисодий саводхонлиги қандай? Мамлакатимиз молия муассасалари таклиф этаётган ушбу хизматдан улар қанчалик хабардор?

Шу каби саволларга жавоб олиш, ўғил-қизларга янада кўпроқ маълумот бериш мақсадида «Туронбанк» АТБ филиаллари томонидан худудлардаги умумтаълим мактабларида «31 октябрь — Бутунжаҳон жамғариш куни» муносабати билан тадбирлар ўтказилди. Улар доирасида 3 ва 9-синф ўқувчилари ўртасида «Омонат ўзи нима ва у нима учун керак?», «Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг афзаллиги нимада?» мавзусидаги очик дарслар ва «Нима учун тежамлимиз?» ҳамда «Молиявий дунё — болалар нигоҳида» мавзуларида ишчи гуруҳлари ташкил қилинди.

Уқувчилар билан бўлган мулоқотда «Туронбанк» АТБнинг худудлардаги филиаллари мутахассислари «Бутунжаҳон жамғариш куни»нинг келиб чиқиш тарихи, унинг аҳамияти ва мақсадлари ҳақида тўлиқ маълумот берди. Таъкидлашчи, ушбу сана 1989 йил октябрь ойининг охири кунлари расман эълон қилинган. У мазмун-моҳиятига кўра, нафақат маблағлар, балки вақтни, энергия манбаларини, минерал ресурслар ва табиий бойликларни тежашни ҳам қамраб олади.

Бундан ташқари, «Очик дарс» домида айни пайтда банklar томонидан шу йўналишда кўрсатилаётган омонат хизматлари, уларнинг тури ва афзалликлари ҳақида сўз юритилди. Ўқувчилар неча ёшдан маблағларни банкка жойлаштириш мумкинлиги, уларнинг кўпайиш муддати қаби қатор саволларга жавоб олишди. Шундан сўнг ўқувчилар «Омонат нима учун зарур?» мавзусида уларнинг фикр-мулоҳазаларини қозғога туширишди. 20 дақиқа вақт берилган ишчи гуруҳлари бўйича 1, 2, 3-ўринлар соҳиблари аниқланиб, уларга «Туронбанк» АТБ раҳбарияти томонидан қimmatбахо эсдалик совғалар топширилди. — Банк ходимлари билан бўлган мулоқот давомида молиявий билимларимиз янада бойиди, омонатларнинг иқтисодийтизимиздаги аҳамиятини чуқурроқ билиб олдик, — дейди Жасмина Наҳиддинова. — Ўтказилган ишонлар танловида меннинг фикрларим энг яхшиларидан бири дея топилди. Бундан жуда ҳам хурсандман. Юқори синф ўқувчилари билан муваффақиятли ўтган тадбирдан сўнг, жажжи билимдонлардан ташкил топган 3-синф ўғил-қизларининг ҳам бу борадаги тасавурулари ўрганилди. Яъни улар «Жамғармани нимага сарфлайман?», «Менинг ораумидаги банк» мавзуларидаги расмлар танловида иштирок этишди. Белгиланган вақт давомида болақонлар ўз хоҳиш ва истакларидан келиб чиққан ҳолда қаҳрамонларини гавдалантиришди. Кимдир банкни маблағ тўла қопа

қийсасла, яна кимдир янги номдаги молия муассасасини ташкил этиш гоёсини илгари сурди. «Бутунжаҳон жамғариш куни» муносабати билан ташкил этилган тадбирлар қўтилганидан-да қизқарли ўтди. Ўқувчилар ўз саволларига жавоб олиб, қўллаб янгиликлардан бохабар бўлишди. Қисқача айтганда, «Туронбанк» АТБнинг жойлардаги филиаллари ўзларига бириктирилган мактаблар билан яхши ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Ҳафтани маълум бир куни ходимлик «Иқтисодиёт», «Тадбиркорлик асослари» каби мавзуларда очик дарсларни ўтказишди. Шунингдек, «Бутунжаҳон жамғариш куни» муносабати билан банк бўлимида «Очик эшқлар куни» тадбири ўтказилди. Унда ўғил-қизлар молия муассасасининг иш фаолияти, таклиф этилган хизматлари, айниқса, турли хилдаги омонатлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишди. Қолаверса, тадбир давомида болақонлар учун кўнгличор дастур ҳам ташкил этилиб, унда қатор танлов ва викториналар ўтказилди. Саволларга тўғри жавоб берганларга банк раҳбарияти томонидан тайёрланган қimmatбахо совғалар тақдим этилди.

Банк ахборот хизмати. Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4028 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

«Qishloq qurilish invest» МЧЖ инжиниринг компанияси

2019 йил 29 ноябрь куни 09.00 дан 18.00 гача 0138593, 0138594, 0138595-сонли лотлар бўйича «Е-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси орқали бўлиб ўтадиган аукцион савдоларини эълон қилади.

Table with 4 columns: t/p, Lot №, Аукцион савдолар, Бошлангич нархи. Contains 3 rows of auction lots.

Савдога қўйилган лотлар бўйича қўшимча маълумотлар олиш ҳамда аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган шахслар e-auksion.uz электрон порталига мурожаат қилишлари сўралади.

Advertisement for DOOSAN equipment and services. Includes images of excavators, forklifts, and a loader. Text: «TOW Co., Ltd» қўшма корхонаси махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади. www.uztow.com. «Universal Services of Central Asia» хорижий корхонаси эҳтиёт қисмлар таъминоти ва сервис хизматларини кўрсатади.

ЎРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«AUTO AUCTION CENTRE» МЧЖ

сизларни 2019 йилнинг 3, 10, 17, 24, 31 декабрь кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил этиладиган савдоларга таклиф қилади.

Савдоларга Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 334-уйда жойлашган, «NBU INVEST GROUP» МЧЖнинг «FUNNY KIDS WORLD» МЧЖ устав фондидаги 84,38% улуши қўйилади. Бошлангич баҳоси — 6 305 771 117 сўм.

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш шартлари: 1. Савдо қолиби улунининг сотиш баҳосидан 15 фоизи миқдоридаги маблағни савдо ўтказилганидан сўнг бунак пули сифатида, қолган қисмининг эса олди-сотди шартномасида белгиланган мuddатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаш шарт. 2. Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиладиган улуш 3 (уч) йил давомида фойсиз тенг улунларда ойма-ой, бўлиб-бўлиб тўлаб, агар 3 (уч) йилдан ортиқ мuddатда тўланган тақдирда, қолган суммага Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда фойз тўлаш шартларида сотилади, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўланганга қадар объектни ўзага бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «NBU INVEST GROUP» МЧЖ бундан мустансно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш мuddати 7 (етти) йилдан ошмаслиги лозим. 3. Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ барча харажатлар (шу жумладан, нотариал тасдиқлаш, объектни тасдиқлаш билан сугурталаш билан боғлиқ харажатлар), савдо ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар, савдо ташкилотчисининг савдонини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. 4. Тўғридан-тўғри музокаралар орқали сотишда иштирок этиш учун талабгорлар мажбуриятлар бажарилиши таъминлаши учун улуш бошлангич қийматининг 5 (беш) фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлаши лозим. Бунда қолиб томонидан тўланган закалат пули шартнома суммасига киритилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: — юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, устав нусхаси, шунингдек, савдода иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; — жисмоний шахслар учун — паспорт (истикомат гувоҳномаси) нусхаси, савдода ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; — эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақами закалат пули ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;

— икки нусхадаги ёпик конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари: сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш мuddати, бизнес-режа. Бунда тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгор имзоси ва муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлар тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиладиган улуш бошлангич баҳосининг 5 (беш) фоизи миқдоридаги закалат пулини «AUTO AUCTION CENTRE» МЧЖнинг «Ипак йўли» АИТБ Миробод филиалидаги МФО: 01101, СТИР: 305901464, 20208000300950272001 ҳисоб рақамига тўлашлари лозим.

Талабгорлардан юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни ҳамда буюртманомаларни қабул қилиш иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо ўтказиш бошланишидан камида 48 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улуши сотиладиган корхона билан яқиндан танишиш истагида бўлган талабгорлар юқорида кўрсатиб ўтилган манзилга бориб танишишлари мумкин.

Савдоларга тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш, белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уй, 2-қават, 2-хонада бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил ва алоқа воситалари: Сотувчи (Банк) — Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 101-уй. Телефон: 71-233-01-68. Факс: 71-233-01-57.

Савдолар ташкилотчисини манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уй. Телефон: 71-252-55-10, электрон почта: autoauctioncentre@mail.ru

Гувоҳнома № 656178.

Advertisement for advertising services. Text: Ушбу жойда СИЗНИНГ рекламанингиз бўлиши мумкин эди! «Халқ сўзи»даги Реклама бизнесингизни қўллаб-қувватлайди! Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

Advertisement for 'Халқ сўзи Народное слово'. Includes contact information for Head Editor Utkir Rakhmatov, phone numbers, and details about the publication. Text: Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 45 950 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.